O'zbekistonRespublikasi
Sirdaryoviloyati
Gulistonshaharhokimining

QARORI

Р Е Ш Е Н И Е

**хокима города Гулистана
Сырдарьинской области
Республика Узбекистан**

2020 yil "4" март **№ 153** **Guliston sh.**

Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2020 йил 5 февралдаги "Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида"ги 30/560-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Гулистон шаҳар ИИО ФМБнинг 2020 йил 5 февралдаги "Гулистон шаҳрининг марказий кўчаларида транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибга солиш тўғрисида"ги 30/560-сонли хати ижро учун қабул қилинсин.

2. Гулистон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (З.Қаюмов), Гулистон шаҳар ИИБ ЙҲХБ (А.Абдуллаев) ҳамда вилоят ҳокимлиги қошидаги "Махсус эксплуатация" бўлими (Ф.Эгамбердиев)ларга:

Гулистон шаҳар Ўзбекистон шох кўчаси (Никоҳ саройи рўпараси) ва (Гулистон шаҳар ФВБ биноси рўпараси)га 3.24 "Юқори тезликни чекланган, 60 км/соат" йўл белгиларини ҳамда қўшимча 5.41 "Фото ва видео қайд этиш" йўл белгиларини;

Гулистон шаҳар Гулистон кўчаси (Миллий Гвардия бошқармаси биноси рўпараси)га ва (Мусиқа мактаби ётоқхонаси биноси рўпараси)га 3.24 "Юқори тезликни чекланган, 50 км/соат" йўл белгиларини ҳамда қўшимча 5.41 "Фото ва видео қайд этиш" йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (А.Қуватов), мазкур қарорни “Гулистон янгиликлари” газетасида нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Ушбу қарор расмий манбаларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари в.б М.Ўринбоев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Т. Дадабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR HOKIMLIGI
DEVONXONA